

Уйқунинг фойда ва зарари



15:55 / 14.03.2020 5635

Суннат уйқу.

Қуёш кўтарилиб то пешин намозигача бўладиган оралиқдаги уйқу. У «қайлула» дейилади. Қайлула ақлга қувват бўлади.

Бидъат уйқу.

Пешин намози вақтида пешинни ўқимасдан ухлаш.

Телбалик уйқуси.

Аср намозидан кейинги уйқу. Бу руҳий хасталик, паришонхотирлик ва телбаликка сабаб бўлади.

Уқубат уйқу.

Хуфтонни ўқимасдан ухлаш. Натижада хуфтон қазо бўлиб, уқубатга сабаб бўлиши мумкин.

Одатий уйқу.

Хуфтондан бомдодгача.

Надомат уйқу.

Тонг саҳар вақтида ва илмий мажлис вақтида ухлаш ҳам надоматга сабаб бўлади.

Ғафлат уйқу.

Тонг отганида ухлаб ётиш. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотима розияллоҳу анҳога «Тонгда ухлаб ётмагин, чунки бу вақтда уч нарса: яхшилик, одоб ва барака тақсимланади», деганлар.

Фақирлик уйқуси.

Бамдоддан кейин кун чиққунча ухлаб ётиш камбағалликка, қашшоқликка, қарздорликка сабаб бўлади. Бу уйқуни яна бошқа бир манбада Аллоҳнинг лаънати ёғилиши эҳтимоли борлигидан «лаънат уйқуси» деб ҳам айтганлар. (Аллоҳ сақласин)

Хусрон (зарар) уйқуси.

Ибодатдан сўнг дуо ва зикрларда ухлаб қолиш. Яна бир ривоятда жума кечасидаги уйқу.

Роҳат уйқу.

Касал ва гўдакларнинг меъёридаги уйқуси. Яна бир ривоятда пешин намозидан кейинги уйқуни ҳам шундай деганлар.

Ибодат уйқу.

Олимлар, обидлар ва рўзадорларнинг уйқуси. Киши хуфтон намозидан сўнг таҳоратли ухласа, фаришталар ҳимоясида бўлади.

Каромат уйқу.

Тунда намоз ўқиб туриб, чарчаб саждада ухлаб қолиш.

Islom.uz портали таҳририяти